

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Бердиалиев, М.Зокиров</b>	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси .....	88
<b>Ш.Турдиматова</b>	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида .....	92
<b>М.Эргашев</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида .....	98
<b>Х.Исмоилов</b>	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир .....	101

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Г.Тиллабаева</b>	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала .....	105
<b>М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онарқулов</b>	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили .....	109
<b>М.Ҳакимов, М.Маматқулов</b>	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш .....	112
<b>М.Холиков</b>	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари .....	114
<b>Ф.Адилов</b>	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида) .....	116
<b>Т.Тургунбаев</b>	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири .....	119
<b>Э.Тажимирзаев</b>	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида) .....	123
<b>Р.Аҳмедова</b>	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
<b>В.Ишқуватов</b>	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги .....	129
<b>К.Пулатов</b>	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида) .....	132
<b>С.Мўминов, Ш.Мўминов</b>	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари .....	135
<b>Б.Жўраева</b>	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари .....	137
<b>М.Назирқулова</b>	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш .....	140
<b>М.Саидқабарова</b>	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари .....	144
<b>М.Деҳқонова</b>	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни .....	147
<b>Ф.Анварова</b>	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар .....	151
<b>И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов</b>	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти .....	154
<b>Ф.Эркабаева</b>	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари .....	156
<b>А.Хасанов</b>	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш .....	159

## ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

<b>Аҳмаджон Қўшақович Ўринов</b> .....	163
--	-----

## БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография .....	166
--------------------	-----

УДК: 413.0

## ФУНКЦИОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТИЛ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИНГ МАКРОҚУРИЛМАЛАР ТИЗИМИГА МАНСУБ ҲОДИСАЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА

### ФУНКЦИОНИМЫ И ИХ ВЗАИМООТНОШЕНИЕ С ЯВЛЕНИЯМИ, ОТНОСЯЩИМИСЯ К СИСТЕМЕ МАКРОСТРУКТУРЫ СЛОВАРНОГО СОСТАВА ЯЗЫКА

#### FUNCTIONYMS AND THEIR INTERRELATIONS WITH THE MACROSTRUCTURE OF VOCABULARY

Ш.Турдиматова

##### Аннотация

Мақолада тил луғат таркибининг медиоқурилмалар тизимига мансуб функционимлар ва уларнинг луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига оид луғавий-мавзуий гуруҳи ҳамда луғавий-мазмуний майдонига муносабати ҳақида фикр юритилади.

##### Аннотация

В статье рассматривается взаимоотношение функционимов, относящихся к медиоструктуре словаря и к явлениям лексико-тематической группы и лексико-семантическому полю, являющимися основными разновидностями макроструктуры словарного состава языка.

##### Annotation

The article discusses the relationship of functionyms that relate to the mediostructure of the dictionary and the phenomena of the lexical-thematic group and the lexical-semantic field, which were the main types of the macrostructure of the vocabulary.

**Таянч сўз ва иборалар:** лексика, луғат таркиби, функционим, гетеронимик тизим, гомоген система, луғавий-мавзуий гуруҳ, луғавий-мазмуний майдон, иерархияли муносабат.

**Ключевые слова и выражения:** лексика, лексический состав, функционим, гетерономическая система, гомогеническая система, лексико-тематическая группа, лексико-семантическое поле, иерархическое отношение.

**Keywords and expressions:** Vocabulary, lexical structure, functionym, heteronymic system, homogenic system, lexical-thematic group, lexical-semantic field, hierarchical relation.

Анъанавий тилшуносликда луғавий сатҳ бирликларидан лисоний муносабатлар улараро шаклдошлик ва маънодошлик хусусиятига кўра ўрганилар эди. Шу асосда луғавий бирликлар кўп маъноли (полисемия), омонимия, омограф, омофон (*луғавий бирликларнинг шакл муносабатига кўра турлари*); синонимия, дублет ва антоним (*луғавий бирликларнинг маъно муносабатига кўра турлари*) сингари гуруҳларга ажратилиб текширилар эди.

Профессор А.Бердиалиев луғавий бирликлараро лисоний муносабатларни замонавий тилшунослик табдиллари асосида, анъанавий тилшунослик тавсиясидан фарқ қилувчи бошқача йўсинда талқин этади [1,13]. Олим “Луғавий бирликлараро лисоний муносабатлар масаласига доир” номи билан 2011 йилда чоп этилган мақоласида сўзлараро лисоний муносабатларни “шаклдош сўзлар”(омонимлар, омографлар), “оҳангдош сўзлар” (омофонлар, паронимлар) ва “маънодош сўзлар” сингари уч гуруҳга

ажратади. У “маънодош сўзлар” гуруҳини “зид маъноли” ва “зид маъноли бўлмаган” номи билан яна икки таггуруҳга бўлади. Биринчи таггуруҳга антоним ва конверсивлардан иборат оппозитивларни киритади. Сўзлараро лисоний муносабатларнинг зид маъноли бўлмаган гуруҳини “денотатив асоси бир луғавий бирликлар” ва “денотатив асоси ҳар хил луғавий бирликлар” сингари таггуруҳларга ажратиб, уларнинг иккинчи таггуруҳига гипоним, эквоним, партоним ва градуонимларни киритади [2,13-14].

А.Бердиалиев ўзбек тилининг лексикологияси ва фразеологияси бағишланган алоҳида китобида эса, “денотатив асоси ҳар хил луғавий бирликлар” гуруҳини функционимлар деб аталувчи яна бошқа бир таггуруҳ ҳисобига кенгайтиради.

Функционим ҳақидаги дастлабки қисқача маълумот Р.Сафарованинг 1996 йилда “Лексик-семантик муносабатнинг турлари” номи билан нашр этилган рисоласида учрайди ва гипонимияга ёндош ҳодиса сифатида

*Ш.Турдиматова – Академик Б.Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети ўзбек тили ва уни ўқитиш методикаси кафедрасининг изланувчи тадқиқотчиси (Тожикистон).*

## ТИЛШУНОСЛИК

талқин этилади. Бу рисолада ушбу ҳодиса куйидагича тавсифланади: “Функционимия атамаси остида денотатларнинг ўзаро бир хил ёки яқин вазифа бажариши асосида ҳосил бўлган сўзлар қатори тушунилади” [3,2].

Профессор А. Бердиалиев Э.Агриколанинг тил луғат таркибини яхлит система (тизим) тарзида қараб чиқиб, унинг мазмун асосини микро-, медио- ва макроқурилмалар характеридаги тагтизимлар ташкил этади [4,73], деган тезисини ўзбек тили луғат таркибига ҳам татбиқ этади. Функционимлар масаласига келганда, бу ҳодисани луғат таркиби(лексика)нинг медиоқурилмалари сирасига киритади.

Профессор А. Бердиалиев бу ҳодиса, яъни функционимлар ҳақидаги маълумотни анча мукамаллаштирган ҳолда олий мактаб дарсликларига олиб киради. Бу ҳақда олим шундай ёзади: “Сўзларнинг денотатив асосда фарқ қилувчи луғавий-мазмуний медиоқурилмалари тизимига функционимлар ҳам киради. Функционимлар гуруҳини, уларнинг парадигматик қаторларини шундай сўзлар ташкил қиладики, уларнинг маъноларидан англашилган нарса-предметлар ва уларнинг белги-хусусиятлари муносабатида вазифа ўхшашлиги бўлади. Масалан, стул, табуретка, кресло, диван ва ҳ.к. луғавий бирликлар англатган нарса-предметлар (денотатлар) бир умумий вазифага эга: “шахсларнинг ўтириши учун мўлжалланган мослама” шу нарса-предметларнинг асосий вазифасидир. Ёки камон, милтиқ, тўппонча, автомат луғавий бирликларини олайлик. Шу сўзлар англатган маънолардан англашилган нарса-предметлар ҳайвон ёки инсонни жароҳатлаш, нобуд қилиш мақсадини кўзда тутган умумий вазифага кўра бирлашади. Луғавий бирликлар маъносидан англашилган нарса-предметларнинг вазифа ўхшашлиги пичоқ, ханжар, қилич; шам, машъал, чироқ, лампочка сингари луғавий бирликларга ҳам хос. Демак, стул, табуретка, кресло, диван; камон, милтиқ, тўппонча, автомат; пичоқ, ханжар, қилич; шам, машъал, чироқ, лампочка сўзлари атаган денотатларининг вазифа умумийлигига кўра, алоҳида – алоҳида луғавий-мазмуний микротизимларни, яъни парадигмаларни ҳосил қилган. Шунинг учун алоҳида-алоҳида микрогуруҳ (микротизим) ларда бирлашувчи бундай луғавий бирликларни функционимлар, уларнинг муносабатлари эса функциономия ёки функционимик муносабатлар дейилади” [5].

Функционимлар ҳам, луғавий бирликлараро лисоний муносабатларнинг бошқа турлари сингари, кенг кўламли лексик-

семантик категориядир. Бу луғавий - мазмуний ҳодисанинг кенг қамровлилиги ва ўзига хос мураккаблиги бизнинг кийим-кечак маъносидаги функционимларни ўрганиш борасида ҳам ўз исботини топмоқда.

Луғат таркиби (лексика) тил гетероген тизимига нисбатан гомоген тизим ҳисобланса-да, у ўз ички ҳодисалари ва уларнинг турлича муносабатларини рўёбга чиқарувчи гетероген тизим ҳамдир. Тил луғат таркибининг ўзига хос гетероген тизим эканлигини кўрсатувчи микро-, медио- ва макроқурилмалар характерида иш кўрувчи луғавий - мазмуний гуруҳлар мавжудки, булар бири бошқаси билан мантиқий-лисоний алоқада бўлади.

Дарҳақиқат, луғавий сатҳ – мураккаб система. Бу тизимнинг мураккаблиги шундаки, луғавий сатҳ лексик бирликларнинг луғавий-мазмуний микроқурилмаларидан тортиб луғавий мазмуний макроқурилмаларигача бўлган тагтизимларни ўз ичига олади. Луғавий-мазмуний тагқурилмаларнинг оралиқ зонасида медиоқурилмалар тавсифидаги тагтизимлар ҳам мавжудки, буларнинг ҳар учаласи бири бошқаси билан органик тарздаги лисоний боғлиликка эга.

Лексик бирликлар(сўзлар)нинг луғавий-мазмуний макроқурилмалари ҳам, луғавий тизимнинг микро- ва медиоқурилмалари тагтизимларида бўлгани каби, ўз ички тагтизимларига, ички турларига эга. Булар, одатда, икки гуруҳдан иборат: 1) луғавий-мавзуий гуруҳ (ЛМГ); 2) луғавий-мазмуний майдон (ЛММ).

**Луғавий-мавзуий гуруҳ (ЛМГ).** Луғавий-мавзуий гуруҳ атамаси икки маънода ишлатилади: 1) сўзларни луғавий гуруҳларга ажратиш усули (методи, мояси); 2) муайян тасниф асосида ажратилган лексик гуруҳлар. Мазкур ахборотда луғавий-мавзуий гуруҳ атамаси иккинчи маънода, яъни муайян тасниф асосида ажралитиши лозим бўлган лексик гуруҳлар маъносида қўлланади. Чунки мазкур атама англатган биринчи маъно тилшунослик фанининг назарий масалаларидан бири ҳисобланади.

Луғавий-мавзуий гуруҳлар воситасида тил жамоаси (халқ)нинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, маданий ва маиший турмуши, диний ва руҳий олами лисоний жабҳага олиб чиқилади. Лексика (луғат таркиби)ни мавзуий гуруҳларга ажратиш тилни шу тил жамоаси (халқ)нинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлайди.

Демак, луғавий-мавзуий гуруҳлар орқали объектив борлиқ нарса-ҳодисалари ва уларнинг гуруҳи инъикос этилади. Луғавий-мавзуий гуруҳлар воситасида муайян тил

жамоасининг билим ва малакалари лисоний жабҳада инъикосини топади. Тил жамоаси, яъни халқ ҳаёти қанчалик бой, серқирра ва ранг-баранг бўлса, тематик гуруҳлар ҳам шунча кўп, серқирра ва ранг-баранг бўлади. Негаки, халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий-маданий, маънавий ва диний оламига оид маълумотлар мавзуий (тематик) гуруҳларда равшан ифодаланади. Мавзуий гуруҳларнинг мажмуаси орқали лексиканинг яхлитлиги, система эканлиги инъикос этилса, лексиканинг бир бутунлиги орқали объектив борлиқнинг яхлит бир тизимлиги инъикос этилади.

Луғавий-мавзуий гуруҳлар (ЛМГ) сўз туркумларидан кейинги (сўз туркумлари ичидаги), уларга қарашли, яъни тобеланувчи макроқурилмалардир. Бу макроқурилмалар сўзларнинг луғавий-мазмуний гуруҳлари(лексик-семантик)га нисбатан юқори босқичда туради: луғавий-мазмуний гуруҳлар ана шу макроқурилмалардан таркиб топади. Демак, луғавий-мавзуий гуруҳлар(лексик-тематик гуруҳлар) луғавий бирликлар иерархиясида оралиқ зонани ишғол қилади. Бу макротизимлар мажмуаси тилнинг яхлит лексикасини, яъни луғат таркибини шакллантиради.

Луғавий-мавзуий гуруҳлар луғат таркибининг турли қатламларига кўра ажратилиши мумкин. Масалан, лексиканинг фаол қатламига оид луғавий-мавзуий гуруҳлар; лексиканинг нофаол қатламига оид луғавий-мавзуий гуруҳлар; лексиканинг ўз қатламига оид луғавий-мавзуий гуруҳлар; лексиканинг ўзлашган қатламига оид луғавий-мавзуий гуруҳлар ва б.

Луғавий бирликларни мавзуий гуруҳларга ажратишда сўзлараро маъно муносабатдошлиги, уларнинг борлиқ ҳодисаларига алоқаси каби лисоний ва нолисоний жиҳатлар ҳисобга олинади.

Демак, луғавий-мавзуий гуруҳ бир умумий тушунчага эга бўлган луғавий бирликларни ўз ичига олади, уларнинг ўзаро лисоний муносабатларидан таркиб топади. Бундай гуруҳлар лексиканинг муайян қатламлари ичида, уларга қарашли бўлади. Масалан, «ўсимликлар» оламига доир номлар (исмалоқ, йўнғичқа, ўт, ўт-ўлан, ялпиз, янтоқ, қамиш, қиёқ ва б.); «уй-рўзғор буюмлари» номлари(алача, арқон, арқоқ, бешик,идиш, қозон, қошиқ, қоп, кигиз, сачоқ, тувак, тўрва, чўмич ва б.); «қариндошлик» номлари(ота, она, ойи, ая, опа, сингил, ака, ука, амаки, тоға, амма, хола, бобо ва б.); «спорт ва унга қарашли машғулотлар» номлари( сакраш, югуриш, сузиш, турник, бокс, кураш ва б.),

«ўқув қуроллари» номлари(китоб, дафтар, қалам, ручка, сумка, чизғич ва б.) ва ҳ.к.

Функционимлар маънолари англлатган денотативлари бир умумий вазифага эга луғавий бирликлар гуруҳи бўлиб, луғавий мавзуий гуруҳлар ичидаги, уларга тобе тагтизимлардир. Масалан, юқорида келтирилган уй-рўзғор буюмлари луғавий мавзуий гуруҳни “таом сузиш” маъносидаги (пиёла, коса товоқ, лаган ва ҳ.к.), “таом истеъмол қилиш воситаси”(қошиқ, вилка ва ҳ.к.) ва б. функционимларга ажратиш мумкин.

Хуллас, тил луғат таркиби луғавий мавзуий гуруҳининг парадигмаси тил луғат такибининг медиоқурилмалар парадигмасига мансуб гипероним, гипоним, эквоним, партоним ва функционим сингари микротизимларни ўз ичига олувчи ўзига хос мураккаб системадир.

#### **Луғавий-мазмуний майдон(ЛММ).**

.Бизни қуршаб турган ташқи олам инсон онгида турли хил тушунчалар мажмуаси сифатида тасаввур этилади. Бу тасаввурлар тил бирликлари ёрдамида лисоний жабҳага олиб чиқилади. Ана шу мантиқий жараённинг лисоний оламга олиб чиқилиши – бу тилнинг луғат таркиби (лексикаси) зиммасидаги асосий ва етакчи вазифадир. Зеро, бизни қуршаб турган ташқи олам лексика (луғат таркиби) ёрдамида инъикос этилади. Дарҳақиқат, профессор Ш.Искандарова тўғри эътироф этганидек, “Ўзбек тили лексикасининг мазмун жиҳатдан қандай мазмуний майдонлардан (парадигмалардан) ташкил топганлиги, бу мазмуний майдонларнинг ички тузилиши ва тузилиш бирликларининг ўзаро муносабати, ҳар қайси майдонларнинг узвий боғланиши каби масалаларни ўрганиш... ўзбек тили лексикасини объектив олам системасига бўлган муносабатини тўла ёритишга имкон беради” [6, 38].

«Майдон» назарияси билан боғлиқ лисоний-мантиқий тушунча фанга XIX аср охирларида маълум бўлди. Унда физикадаги «магнит майдони» ҳақидаги қарашлар тил ҳодисаларига ҳам татбиқ этила бошланди. Бу назариянинг асосчилари немис тилшунослари Й.Трир, В.Порциг ва рус тилшуноси М.М.Покровскийдир.

XXI аср бошларида «майдон» муаммоларига бағишланган ишлар ўзбек тилшунослигида ҳам пайдо бўлди [7].

«Майдон» атамаси ҳам кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода у ҳар қандай лисоний бирликлар гуруҳига, масалан, «тематик гуруҳ», «система», «структура», «синонимия» ва «антонимия»

## ТИЛШУНОСЛИК

атамалари англатадиган тўда ва қаторларга нисбатан ҳам ишлатилади.

«Майдон» атамаси тор маънода ишлатилганда, бир умумий сигнификатив маънога эга лисоний бирликлар гуруҳини англатади. «Майдон» лексик сатҳда одатда тор маънога эга бўлади. Лексик сатҳга хос луғавий-мазмуний майдон сўз мазмунининг сигнификатив маъноси асосида шаклланади. Бундай жараёнда сўз маъносининг объектив борлиқдаги муайян нарса-ҳодисалар ва уларнинг белги-хусусиятлари билан боғланувчи денотатив маънолари ҳисобга олинмайди. Масалан, *ота, она, ака, ука, опа, сингил, жиян, бобо, буви, амаки, тоға, амма, хола; почча, божа, овсин, қайнона, келин, куёв* сингари сўзлар маъноси орқали қариндошлик даражаси, ҳар хил шахслар англашилади. Лекин бу сўзлар «қариндош» деган умумий маънога эга. Бу маъно сигнификатив маънодир. Юқоридаги сўзлар бу маъно асосида бир гуруҳда бирлашган. Бу лексик гуруҳ «қариндош» маъносидаги луғавий-мазмуний майдонни ҳосил қилган. Мисоллар характеридан сезиладики, луғавий-мазмуний майдон – бу луғавий – мавзуий гуруҳларни ҳам ўз ичига олувчи мураккаб системадир.. Шу боис луғавий –мазмуний «майдон», луғавий-мавзуий гуруҳдан фарқли ўлароқ, тилнинг ҳар хил сатҳига хос лисоний бирликлари бирлашавиради (*от, тизгин, эгар, узанги, отбоқар, кишнамоқ, отхона; сигир, сут, қаймоқ, молхона, сут соғувчи* каби).

Ташқи олам, гарчанд бир бутундай тасаввур этилса-да, шу бутунлик ўзаро мантиқий ва органик муносабатдаги ҳар хил нарса-ҳодисалар, уларнинг белги-хусусиятларидан иборатдир. Биз қуршалган ташқи оламнинг бундай органик «қисм»лари тилда ҳар хил, лекин ўзаро лисоний боғланишдаги луғавий гуруҳлар воситасида инъикос этилиб, шаклий тус олади. Ана шу луғавий гуруҳлар лексик бирликларнинг луғавий-мазмуний майдонлари(ЛММ)дир. Масалан, шахс тушунчаси билан боғлиқ майдонда бир қанча луғавий-мазмуний гуруҳларни кўриш мумкин. Яъни : 1) шахс интеллектуал қобилиятига доир: доно, билимдон, фаросатли, калтабин, довдир ва б.; 2) жинсдаги фарқ белгисига доир: қиз, аёл, эр, хотин, бека, малика, йигит, бек, эркак ва ҳ.к; 3) ёшдаги фарқ белгисига доир: чиқалоқ, гўдак, бувак, ўспирин, жувон, йигит, хотин, кампир, чол ва б.; 4) феъл-атвордаги фарқ белгисига оид: ювош, майин, андишали, мулоҳазали, бамаъни, кўпол ва б.; 5) кишини жалб қилиш белгисига оид: гўзал, сулув, париваш, пари, бадбашара, кўпол, келишган ва б.

Луғавий бирликларнинг луғавий-мавзуий гуруҳлари «мазмуний майдон» тушунчаси билан мутаносиб ҳодисалардир: луғавий-мавзуий гуруҳга кирувчи лексик бирликлар айна ўринда муайян «мазмуний майдон»га ҳам қарашли бўлади. Бироқ, луғавий-мазмуний тагтизимларнинг бу икки тури ўзаро фарқ қилади. Фарқи шундаки, луғавий-мазмуний майдон «майдон» тушунчасининг вазилавий-семантик жабҳасига хос бўлса, луғавий-мавзуий гуруҳ унинг шаклий-лексик жабҳасига хосдир. Чунончи, «чорвачилик» луғавий-мавзуий гуруҳи, чорва ҳайвонлари номларидан ташқари, гарчи «ҳайвон» маъносига алоқаси бўлмаса ҳам, халқ хўжалигининг шу соҳасига қарашли бошқа сўзларни ҳам ўз ичига олаверади: *отчилик, қўйчилик, эчкичилик, отхона, отбоқар; қўйхона, қўйбоқар, яйлов, қишлоқ, чорва мудири, чорва дўхтири (зоотехник)* ва б.

Ёки «таълим-тарбия» архисемали луғавий бирликларни уюштирган «майдон»га эътибор берайлик. Бу луғавий-мазмуний майдон таълим, тарбия, фан, илм, синф, аудитория, лаборатория, ўқитувчи, ўқувчи, талаба, курсант, тингловчи, тарбиячи, мураббий, мактаб, коллеж, гимназия, лицей, академлицей, директор, завуч, синфбоши, синф раҳбари, институт, университет, факультет, бўлим, директор ўринбосари; она тили, адабиёт, тарих, рус тили, чет тили, алгебра, химия, география, астрономия, тажриба, синов, имтиҳон; машғулот, жисмоний тарбия, уй вазилависига, синф иши, машқ, машғулот, кириш, чиқиш, танаффус, очиқ дарс, ота-оналар қўмитаси, баҳо, баҳолаш, савол, жавоб, суҳбат, назорат иши, иншо, диктант, баён; аъло, яхши, ўрта, ёмон; сўраш, ўзлаштириш, давомат, аълочи, цртахон синф журнали, доска, парта, чизғич, синф бурчаги; дафтар, қалам, ручка, ўчирғич, бўр ва б. яна бир неча ўнлаб луғавий бирликларни ўз ичига олади.

Луғавий-мазмуний майдон, юқорида ҳам айтилганидек, бир қатор луғавий-мавзуий гуруҳларни ўз ичига олувчи, уларни ўзига мазмунан тобелантирувчи мураккаб парадигмалар тизимидир. Масалан, «таълим-тарбия» мавзусига қарашли юқоридаги сўзларни маъно умумийлиги асосида ўнлаб луғавий-мавзуий гуруҳларга ажратиш мумкин. Чунончи: 1) шахс маъносини билдирувчи гуруҳ: ўқитувчи, ўқувчи, талаба, тингловчи, директор, завуч, синф раҳбари, синф боши ва ҳ.к.; 2) конкрет нарса-предмет маъносини билдирувчи гуруҳ: китоб, дафтар, сумка, чизғич, қалам, ўчирғич, деворий газета ва б.; 3) макон маъносини билдирувчи луғавий гуруҳ:

синф, синфхона, ўқитувчилар хонаси, аудитория, дирекция, ўқув зали, мажлислар зали, кутубхона, спорт зали, мактаб ошхонаси ва б.; 4) ўқув предметлари (фан номлари)ни билдирувчи гуруҳ: она тили, адабиёт, тарих, география, химия, математика, чет тили, жисмоний тарбия, астрономия, чизмачилик ва б.; 5) таълимий ва тарбиявий характердаги тадбирларга доир номлар гуруҳи: синф мажлиси, ота-оналар мажлиси, амалий машғулот, семинар, лекция, тўгарак, экскурсия, иншо, диктант, баён, уй иши, синф иши, коллоквиум, экскурсия, ветеранлар билан, қахрамонлар билан, ўқилган асар муаллифлари билан учрашувлар ва б.; 6) таълимий босқич номларини билдирувчи гуруҳ: боғча, умумтаълим мактаби, бошланғич мактаб, лицей, гимназия, олийгоҳ, институт, университет ва б.; 7) билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнига оид сўзлар гуруҳи: баҳо, баҳолаш, сўраш, савол, жавоб; аъло, яхши, ўрта, ёмон; беш, тўрт, уч, икки ва б.

Бундай мавзуй гуруҳларга ажратишни ҳайвонот архисемали сўзлар тизимида ҳам кўrsa бўлади. Масалан, ҳайвонот оламига оид тизим дастлаб: 1) уй ҳайвонлари ва 2) ёввойи ҳайвонлар сингари икки тематик гуруҳга ажралади.

Ўз навбатида бу тагтизимлар ҳам шу тагтизимларга тобе бошқа ички микротизимларга парчаланadi. Улар луғавий тизимнинг гипероним, гипоним, эквоним ва партонимлар характеридаги охирги, якуний босқичи бирликларига бориб якун топади. Айтилган фикрларни «уй ҳайвонлари» луғавий-мавзуй гуруҳига мансуб тизимлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ЛМГ «улов вазифасига хосланган» (от, эшак, хачир, туя), «гўшти истеъмол қилинадиган» (от, қўй, қорамол, эчки, туя), «гўшти истеъмол қилинмайдиган» (эшак, хачир, ит, мушук ва б.), «сути ичиладиган» (от, туя, сигир, қўй, эчки), «сути ичилмайдиган» (эшак, хачир, мушук, ит), туёқли (от, эшак, қўй, эчки), тирноқ оёқли (ит, мушук) ва ҳ. к. ЛМГларга бўлинади. Маълум бўладики, бир луғавий бирлик бир неча луғавий-мазмуний тагтизимда уни ташкил этувчи вазифавий-маъновий узв-аъзо сифатида қатнаша олиш имкониятига эга.

Келтирилган микрогуруҳларда жинс маъносини ташувчи лексик бирликлар (гиперонимлар) тур маъносини англатувчи лексик бирликларни тобелантириб, яна бошқа микрогуруҳларга парчаланиши мумкин.

Тил луғат таркибининг макроқурилмаларига тегишли луғавий-мазмуний майдон тушунчаси унинг медиоқурилмалар тизимида мансуб

функционимлар билан ҳам алоқадордир. Бироқ функционимлар ўзига хос лисоний ва нолисоний (экстралингвистик) хусусиятлари билан луғавий-мазмуний майдондан фарқ қилади.

Функционим ва майдон тушунчалари орасидаги дастлабки асосий фарқ шундаки, функционимлар тил луғат таркибининг медиоқурилмалар гуруҳига, майдон эса унинг макроқурилмалар гуруҳига мансубдир. Майдон тушунчаси кенг қамровли ҳодиса бўлиб, у функционимларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, кийим-кечак маъносидаги луғавий-мазмуний майдонда *нина(игна), бичувчи, чевар, фасон, тикув машинаси, қолип, ип, игна* ва ҳ.к сўзлар ҳам мавжуд бўладики, булар англатган маънолар ифодасидаги денотатларнинг бирортаси ҳам кийим-кечак вазифасини бажармайди, балки кийим-кечакларнинг тайёрланишида иштирок этади. Ёки бир вақтлар, ҳатто ҳозир ҳам тоғолди ҳудудларда *от, туя, эшак, хачир* ва ҳ.к. уй ҳайвонлари нақлиёт (транспорт) воситалари сифатида фойдаланган. Айни шу маънода бу луғавий бирликлар функционимлар гуруҳига мансубдир. Бироқ, бу сўзлар *эгар, тўқим, юган, арава* ва ҳ.к. бошқа сўзлар билан бир луғавий мазмуний майдонга қарашли бўлади.

Фактик материаллар характеридан шу нарса маълум бўладики, тил луғат таркиби гарчанд микро-, медио- ва макроқурилмалар каби луғавий-мазмуний гуруҳларга ажратилса-да, уларнинг ҳар бирига хос ҳодисалар ўртасига “хитой девори”ни қўйиб бўлмайди. Чунки муайян бир луғавий-мазмуний парадигмалар ичида микро-, медио- ва макроқурилмаларга хос луғавий-мазмуний хусусиятлар “қоришиб” кетади. Масалан, кийим-кечак архисемали луғавий-мазмуний тизимни шартли равишда бир “майдон”, деб қарайдиган бўлсак, “кийим-кечак” жинс маъносига эга гипероним ҳисобланиб, *қўйлак, майка, шим, костюм, пальто* ва ҳ.к. лексемалар тур маъносида бу гиперонимнинг гипонимлари мақомида бўлади. Гипоним мақомидаги мазкур сўзлар айни пайтда денотатларининг вазифасига кўра, функционимлар ҳам ҳисобланади; медиоқурилма характерида иш кўрувчи ҳодисалар билан унинг макроқурилмалари ҳодисалари ўзаро “қоришади”.

Тил луғат таркибининг медиоқурилмалари тавсифини касб этган юқоридаги лексемалар денотати *этак, қўлтиқ, чок, мато, тугма* ва ҳ.к. қисмлардан таркиб топади, Айни ўринда бу лексемалар кийим вазифаси ва маъносидаги *қўйлак,*

## ТИЛШУНОСЛИК

*майка, костюм, пальто* ва ҳ.к. лексик бирликларга нисбатан партонимлар характерида бўлади. Бу ўринда ҳам луғат таркибининг медио- ва макроқурилмалари ҳодисаларининг лисоний муносабатидаги фарқ барҳам топади. “Кийим-кечак” маъноси денотатлари қисмлари маъносини билдирувчи *ёқа, этак, қўлтиқ, тугма* ва ҳ.к. лексемалар эса, кўп маъноли (полисемантик) луғавий бирликлар бўлганлиги учун, улар тил луғат таркибининг микроқурилмалари тизимига мансуб бўлади. Бу ўрида эса, луғат таркибининг микроқурилмаларига хос лисоний хусусиятлар билан унинг медиоқурилмаларига хос лисоний хусусиятлари муносабатидаги фарқ барҳам топади.

Луғавий-мазмуний гуруҳлар ва уларнинг ички парадигмалари билан боғлиқ лисоний “қоришув”лар луғат таркибининг бошқа барча қатламларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, “чорвачилик” майдони “йилқичилик”, “қорамолчилиқ”, “чўчқачилиқ”, “қўйчилиқ”, “эчкичилиқ” ва ҳ.к. тармоқлар билан боғлиқ луғавий-мавзуй гуруҳларни ўз ичига олади. Бу гуруҳларнинг ҳар бири ўзига хос гипо-

гиперонимик, эквонимик, партонимик муносабатлар характеридаги парадигмаларга эга бўлади. Масалан, “қўйчилиқ” луғавий-мавзуй микроқурилмада “қўй” “уй ҳайвони” гиперонимига нисбатан гипоним ҳисобланса, “қўчқор”, “совлиқ”, “тўхли”, “чори” ва ҳ.к. лексемалар “қўй” лексемасининг эквонимлари саналади. “Уй ҳайвонлари” маъносини ташувчи ҳар бир лексема денотати *калла, бўйин, бел, оёқ, туёқ* каби ҳ.к. аъзоларга эга бўладиги, улар “қўй” лексемасига қарашли партонимлар ҳисобланади. *Калла, бел, оёқ, туёқ* ва ҳ.к. лексемаларнинг ҳар бири ўз ва кўчма маъноларда қўлланиб, луғат таркибининг микроқурилмалар тавсифидаги гуруҳига тегишли бўлади.

Демак, шу нарса маълум бўладиги, тил луғат таркиби гарчанд микро- медио- ва макроқурилмалар сингари парадигмалар тизимидан иборат бўлса-да, бу қурилмаларга хос ҳодисалараро уларни бир-биридан кескин фарқловчи лисоний чегара бўлмайди. Улараро кўзга ташланувчи фарқ луғавий системалиликка хос иерархияли муносабат ва унинг амали билан боғлиқ бўлади.

## Адабиётлар:

1. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек систем лексикологияси асослари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
2. Бердиалиев А. Луғавий бирликлараро лисоний муносабатлар масаласига доир // Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Хўжанд, 2011.
3. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
4. Агрикола Э. Микро-, медио- и макроструктуры как содержательная основа словаря // Вопросы языкознания. -1984, № 2.
5. Бердиалиев А. Лексикология. Фразеология // Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография. -Хўжанд: “Раҳим Ҷалил давлат нашриёти”, 2013.
6. Искандарова Ш.. Тил системасига майдон асосида ёндошув. – Фарғона.: 2007.
7. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. –Т., 2004; Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. № 4; Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). АДА, –Т., 1994 Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндошув. –Фарғона, 2007; Нишонава И.Р. Ўзбек тилида “ҳайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили. НДА, –Т., 2000; Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. Фарғона, 2004; Воққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили. НДА, –Фарғона, 2005; Ҳожиёва Ҳ.И. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лингвистик нутқий хусусиятлари . НДА, –Самарқанд, 2001; Сафаров Ф.С. Ўзбек тилида сон миқдор микромайдони ва унинг лингвистик нутқий хусусиятлари НДА, Самарқанд, 2004; Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография. –Хўжанд: Раҳим Ҷалил давлат нашриёти, 2013.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).